

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОҚБОЕВ АЛИШЕР РАСУЛЖАНОВИЧ**

**ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ**  
**БОШҚАРИШДА БРЕНДИНГ СТРАТЕГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**08.00.13 - Менежмент**

**08.00.11 - Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри - 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on economics sciences**

**Оқбоев Алишер Расулжанович**

Тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда  
брендинг стратегиясидан фойдаланиш..... 3

**Оқбоев Алишер Расулжанович**

Использование стратегии брендинга в управлении  
конкурентоспособностью швейно-трикотажных предприятий ..... 27

**Okboev Alisher Rasuljanovich**

Using a branding strategy in managing the competitiveness of garment  
and knitwear enterprises..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОҚБОЕВ АЛИШЕР РАСУЛЖАНОВИЧ**

**ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ**  
**БОШҚАРИШДА БРЕНДИНГ СТРАТЕГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**08.00.13 - Менежмент**

**08.00.11 - Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt1173 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)). Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашходжаева Шахноза Джасуровна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Йўлдошев Нуриддин Қурбонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Касимова Фатима Тулкуновна**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент  
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

**Етакчи ташкилот:**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75; e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.П.Эшов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**Д.М.Мавлянова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д.

**Д.Х.Суюнов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., доцент

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатларида тикув-трикотаж саноати истиқболли ривожланиши тармоқ корхоналари томонидан шакллантирилаётган миллий брендларнинг халқаро нуфузини ошириш, бошқарувда инновацион технологияларини қўллаш, маҳаллий брендларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. «Жаҳон кийим савдоси 2020 йилда 1,5 триллион АҚШ долларидан, 2025 йилга келиб 2,25 триллион долларга ўсиши прогноз қилинмоқда»<sup>1</sup>. Тикув-трикотаж саноатининг маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиб бориши бир томондан мавжуд бозор имкониятларидан самарали фойдаланиш, иккинчи томондан эса ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини брендинг стратегиялари асосида таъминлашга эътибор қаратишни талаб этмоқда. Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бозорининг ривожланиш тенденцияси натижасида юзага келадиган рақобат курашида устунликни таъминлашга қаратилган бренд менежменти асосида юқори даражада қўшилган қиймат яратишга эришмоқдалар.

Жаҳонда тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган брендинг стратегияларини ишлаб чиқиш, маҳаллий брендларни шакллантириш, товар маркасини брендга айлантириш жараёнларни бошқариш, брендларга мижозлар содиқлигини ошириш, брендлар рақобатбардошлигини баҳолаш, корхоналарда брендни бошқариш жараёнлари самарадорлигини ошириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тикув-трикотаж маҳсулотлари брендларига истеъмолчилар содиқлигини ошириш, халқаро бозорларда бренд жозибадорлигини ва нуфузини ошириш, бренд капиталини шакллантиришга йўналтирилган стратегиялар ишлаб чиқиш, брендларнинг халқаро рейтингини ошириш орқали қўшилган қийматни яратиш ва жаҳон бозорларга мақсадли жойлаштиришга қаратилган йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда тикув-трикотаж саноатида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб рақобатлаша олувчи миллий брендларни шакллантириш, халқаро бозорларда барқарор устунлигини таъминлай оладиган брендинг стратегияларини ишлаб чиқиш, бренд архитектурасини яратиш, илгари суришда брендинг стратегияларидан фойдаланиш бўйича менежмент тизимини йўлга қўйиш, бренд маҳсулотларни халқаро бозорда рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур муаммоларни самарали ижросини таъминлаш мақсадида «юқори сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш, миллий брендларни жаҳон бозорларига силжитиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологиялар, ноухау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, фурнитура ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни

---

<sup>1</sup> [https://www.statista.com/topics/5091/apparel-market-worldwide/#dossierSummary\\_\\_chapter1](https://www.statista.com/topics/5091/apparel-market-worldwide/#dossierSummary__chapter1)

махаллийлаштириш»<sup>2</sup> каби вазифалар устувор йўналиш сифатида белгиланган. Тикув-трикотаж маҳсулотлари брендини шакллантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг бренд менежмент тизимини йўлга қўйиш орқали корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда қўшилган қийматни яратиш йўналишидаги илмий изланишларга устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда брендинг стратегиясидан фойдаланишнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимларнинг илмий ишланмаларида ўз аксини топган. Бу борада D.A.Aaker, J.Baker, D.Grewal, A.Parasuraman, K.L.Keller, F.Kotler, W.Pfoertsch, N.K.Malhotra, D.F.Birks, P.Hillenbrand, S.Alcauter, J.Cervantes, F.Barrios, E. P. Becerra, V.Badrinarayanan<sup>3</sup> ва бошқаларнинг илмий ишлари классик асарларга айланган. Ушбу узоқ хориж олимлари бренд менежменти, стратегик бренд менежменти ва корхоналарда

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрда ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

<sup>3</sup> Aaker D. A., Joachimsthaler E. (2000). The brand relationship spectrum: The key to the brand architecture challenge. *California Management Review*, 4, 8-23; Baker J., Grewal D., Parasuraman A. (1994). The influence of store environment on quality inferences and store image. *Journal of academy of marketing science*, 22 (4), 328-339; Keller K.L. (2003). *Strategic Brand Management: Building, Measuring, and Managing Brand Equity*. PHI. 2nd ed. New Delhi; Kotler F., Pfoertsch W. (2006). *B2B Brand Management*. First Edition, Springer. Heidelberg / New York.; Malhotra N. K., Birks D.F. (2006). *Marketing research. An applied approach*. Pearson Education Limited; Philipp Hillenbrand, Sarael Alcauter, Javier Cervantes, Fernando Barrios. *Better branding: brand names can influence consumer choice // Journal of Product & Brand Management*. Volume 22 (4): 9 – Jul 12, 2013 – p: 300–308. — ISSN 1061-0421. — doi:10.1108/jpbm-04-2012-0120; Enrique P. Becerra, Vishag Badrinarayanan. *The influence of brand trust and brand identification on brand evangelism // Journal of Product & Brand Management*. — 2013-08-19. — Т. 22, вып. 5/6. — С. 371–383. — ISSN 1061-0421. — doi:10.1108/jpbm-09-2013-0394.

брендинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик жиҳатларини тадқиқ этишда салмоқли ҳиссасига қарамай, тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда брендинг стратегиясидан фойдаланиш масаласи тўлиқ ўрганилмаган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада Г.Л.Багиев, В.М.Тарасевич, А.Буланов, А.О.Веселова, А.М.Годин, Е.П.Голубков, Е.Ю.Гречин, М.О.Макашёв, П.Правда, И.Я.Рожков, В.Г.Кисмеришкин, С.И.Антошкин, Н.А.Ольмезова<sup>4</sup> каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Мазкур тадқиқотларда бренд назариялари, истеъмол товарлари брендини шакллантириш ва брендинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган бўлсада, тикув-трикотаж маҳсулотларининг рақобатбардошлигини бошқаришнинг брендинг стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи ўрганилмаган.

Республикамизнинг иқтисодчи олимларидан С.Ғуломов, А.С.Солиев, Йўлдошев Н.Қ., М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Д.Н.Раҳимова, Қ.Х.Абдурахмонов, М.А.Икрамов, Ш.Дж.Эргашходжаева, З.Д.Адылова, Д.С.Қосимова, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабоев, З.А.Ҳақимов, С.Эшматов<sup>5</sup> ва бошқалар менежмент фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар. Бу муаллифлар асосан замонавий менежмент ва маркетинг назариясини янги маълумотлар билан бойитиб, рақобатбардошликни бошқариш муаммоларини илмий таҳлил қилиш билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳал этишга эришган. Бироқ тикув-трикотаж маҳсулотлари рақобатбардошлигини бошқаришда брендингдан фойдаланиш масалалари мукамал ва тизимли равишда ўрганилмаган. Ушбу муаммони ҳал этиш зарурияти тадқиқот мавзусини, мақсад ва вазифаларини белгилашга имконият яратади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий

---

<sup>4</sup> Багиев Г.А., Тарасевич В.М. Маркетинг –Спб.: Питер, 2012; Буланов А. Бренд 2.0 От философии к практике. – М.: Красная звезда, 2014; Веселова А.О. Развитие маркетинга в молочном продуктовом подкомплексе. –М.: 2010; автореф. дисс., Годин А.М. Брендинг.-М.: Финпресс, 2008; Гречин Е.Ю. Создание брендов. –СПб.: Питер, 2018; Макашёв М.О. Бренд-менеджмент. –СПб.: Питер, 2018; Правда П. Бренд личности. –М.: Омега Л., 2018.; Ражаков И.Я., Кисмерешкин В.Г. Брендинг. –М.: Юрайт, 2013. Антошкин С.И. Управление брендом инновационной продукции. Специальность 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством (маркетинг, управление инновациями). Дис. на соис. уч. степ. к.э.н., Санкт-Петербург 2017.; Н.А.Ольмезова. Управление позиционированием портфеля брендов. Специальность 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством (маркетинг, управление инновациями). Дис.на соис. уч. степ. к.э.н., доцент – 2017. ст 109.

<sup>5</sup> С.Ғуломов С. Менежмент асослари. – Т.: Шарқ, 2002; А.С.Солиев. Маркетинг. Бозоршунослик. Дарслик. 2010 йил.; Йўлдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013. 140 б.; Шарифхўжаев М. Абдуллаев Ё. Менежмент. -Т.: Ўқитувчи, 2001.704; Раҳимова Д.Н., Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқ. Замонавий менежмент: назария ва амалиёти. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи. 2009; Икрамов М.А., Эргашходжаева Ш.Дж, Адылова З.Д., Нейматов И.У. Управление брендом. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2019 йил 305 бет.; Қосимова Д.С. Менежмент назарияси: Дарслик. – Т.: Tafakkur-bo'stoni, 201; Муминов Н.Г. «Современный Менеджмент» Ўқув қўлланма. – Т.: УзМУ. 2005.; Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Strategik marketing. – Т.: ТДИУ, 2010; Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. – Т.: Фан, 2004.; А.Ҳақимов. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. Тошкент давлат иқтисодиёт университети. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. 2018 йил. 149 бет; С.Эшматов. Маҳаллий брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегияси (сут ва сут маҳсулотлари мисолида). 08.00.11-Маркетинг. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. ТДИУ. 2020 йил.

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-2-70-сон «Текстиль кластери» инновацион моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда брендинг стратегиясидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда брендинг стратегияларидан фойдаланишнинг илмий назарий жиҳатларини ўрганиш;

тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини ошириш бўйича брендинг стратегиясини ишлаб чиқиш методологиясини тавсифлаш;

Ўзбекистонда тикув-трикотаж саноатининг ривожланиши ва маҳаллий брендларни шаклланиш жараёнларини ўрганиш;

тикув-трикотаж саноати корхоналари бренд бошқарувига таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

маҳаллий тикув-трикотаж корхоналарининг бренд бўйича рақобат позициясини диагностика қилиш;

миллий тикув-трикотаж корхоналари бренд архитектурасини режалаштириш ва бошқариш тажрибаларидан фойдаланиш йўллари аниқлаш;

тикув-трикотаж корхоналарининг брендинг фаолиятини баҳолашнинг миллий рейтинг тизимини ишлаб чиқишга илмий ёндашувлар тавсия этиш;

тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини брендинг стратегиясидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи тикув-трикотаж корхоналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда брендинг стратегиясидан фойдаланиш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида индукция, дедукция, синтез, илмий билиш, статистик таҳлил, омилли таҳлил, сўров, танланма кузатув, график талқин, портфель таҳлил, «Conjoint» таҳлил, эксперт баҳолаш, муваффақиятнинг асосий омиллари (CSF) ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда лойиҳалаш, ташкил этиш, илгари суриш ва назорат функциялари бренд яратиш, идентификациялаш, сегментлаш, позициялаш, ўзаро муносабатлар ва брендлар архитектурасини яратиш дастаклари асосида такомиллаштирилган;

тикув-трикотаж корхоналарининг маҳаллий брендларини шакллантиришда миллий рейтинг мезонларига ишонч, қониқиш, сифат, нарх, ассортимент, мода ва дизайн ўлчов бирликларини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;



тикув-трикотаж корхоналарининг маҳаллий брендлари рейтингида истеъмолчиларнинг бренддан қониқиши, сифат, дизайн, роялти, қиймат яратиш ва даромадлилик даражасини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини ошириш менежменти бренд яратиш, бренд архитектурасини қуриш ва маҳсулотлар имижини киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тикув-трикотаж корхоналар рақобатбардошлигини оширишнинг брендинг стратегияси ишлаб чиқилган;

тикув-трикотаж маҳсулотлари бозоридаги брендлар портфели стратегиясини ишлаб чиқишни асословчи менежмент тадқиқот усуллари таклиф этилган;

тикув-трикотаж маҳсулотлари бозоридаги брендлар рақобатбардошлигини оширишда «Бренд-маҳсулот матрицаси» моделидан фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

тикув-трикотаж корхоналарининг бренд архитектурасини қуришда инобатга олинган халқаро бренд иерархияси тузилмаси ишлаб чиқилган;

тикув-трикотаж маҳсулотлари брендларини баҳолаш ва уларнинг рейтингини юритиш мезонлари, ўлчовлари ва рейтингни юритиш амалиёти таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг брендлар рақобатбардошлигини ошириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базаси миллий Давлат статистика қўмитаси ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбалари асосида шаклланганлиги ва уларнинг самарали таҳлили, жумладан, «Excel» ва «SPSS statistics» дастурий пакетлардан фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти брендинг асосида тикув-трикотаж корхоналар рақобатбардошлигини оширишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, корхоналарда брендни бошқариш, брендинг стратегияларини ишлаб чиқиш, маҳаллий тикув-трикотаж маҳсулотлари брендини глобал брендларга айлантириш, бренд қийматини баҳолаш ва истеъмолчиларнинг брендга содиқлигини шакллантириш борасидаги дастурий мақсадларни шакллантиришда, уларни амалга оширишнинг услубий қоидалари ва бошқа амалий натижалари республикамиз тикув-трикотаж корхоналарининг келгусида рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини шакллантириш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга яқиндан ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса республикамизда фаолият юритаётган тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини ошириш бўйича брендинг стратегиясини ишлаб чиқиш, маҳаллий брендларни

шакллантириш бренд архитектурасини режалаштириш ва менежерларнинг бошқариш тажрибаларини ошириш, брендинг фаолиятини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишида имконият яратади. Шу билан бирга, тадқиқот натижалари Олий таълим тизимида «Брендни бошқариш», «Брендинг», «Менежмент ва маркетинг асослари», «Инновацион менежмент» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда брендинг стратегиясидан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда лойиҳалаш, ташкил этиш, илгари суриш ва назорат функциялари бренд яратиш, идентификациялаш, сегментлаш, позициялаш, ўзаро муносабатлар ва брендлар архитектурасини яратиш дастаклари асосида такомиллаштириш таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо «Imron Textile Group» МЧЖ ҳамда «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖлар фаолиятига жорий этилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 17 мартдаги 04/06-979-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг жорий этилиши натижасида «Imron Textile Group» МЧЖда бренд менежери лавозими жорий этилган ва «Imron» брендининг 2019 йилга нисбатан 2020 йилда бренд капитали 10 фоизга, «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖнинг «Ideal» бренди капитали эса 11 фоизга ўсишга эришган;

тикув-трикотаж корхоналарининг маҳаллий брендларини шакллантиришда миллий рейтинг мезонларига ишонч, қониқиш, сифат, нарх, ассортимент, мода ва дизайн ўлчов бирликларини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги таклифи «Imron Textile Group» МЧЖ ҳамда «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖларнинг брендинг амалиётида фойдаланилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 17 мартдаги 04/06-979-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг жорий этилиши натижасида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо «Imron Textile Group» МЧЖ, «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖ ва бошқа корхоналарида маҳсулот сотиш ҳажми 1,9 фоизга ошган.

тикув-трикотаж корхоналарининг маҳаллий брендлари рейтингида истеъмолчиларнинг бренддан қониқиши, сифат, дизайн, роялти, қиймат яратиш ва даромадлилик даражасини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича асосланган таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолиятига жорий этилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 17 мартдаги 04/06-979-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналар брендини янада ривожлантириш бўйича стратегик вазифаларни белгилаш ва «Uztextile» брендининг корпоратив имижини оширишга хизмат қилган ҳамда унинг қиймати 2020 йилда 1 млн. АҚШ долларига баҳоланган;

тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини ошириш менежменти бренд яратиш, бренд архитектурасини қуриш ва маҳсулотлар имижини киритиш асосида такомиллаштириш таклифи «Imron Textile Group» МЧЖ ҳамда «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖларнинг брендни бошқариш амалиётида

фойдаланилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 17 мартдаги 04/06-979-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг жорий этилиши натижасида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо «Imron Textile Group» МЧЖнинг «Imron» брендининг доимий истеъмолчилар сонини 25 фоизга, «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖнинг «Ideal» брендининг доимий истеъмолчилар сонини 27 фоизга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика илмий журналларида 4 та илмий мақола, хорижий журналларда 2 та илмий мақола ва 5 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 134 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда брендинг стратегиясидан фойдаланишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида, глобал иқтисодий ривожланишнинг рақамли трансформациялашув жараёнида бренд менежментининг замонавий назариялари ўрганилган, тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг брендинг стратегияси ва уни ишлаб чиқишнинг методологик асослари тавсия этилган.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгарувчан муҳит ва кучли глобаллашув ва рақамли трансформациялашув натижасида вужудга келган рақобат билан ажралиб турадиган бугунги инновацион иқтисодиёт шароитида корхонанинг бозорда узоқ муддатли муваффақиятга эришиши тобора қийинлашиб бормоқда. Шунчаки, нарх бўйича рақобатда устунлик ёки инновацион ечимларни сақлаш каби усуллардан фойдаланиш ҳам тобора ўзининг аҳамиятини йўқотаётганлиги сабабли, иқтисодиётда брендларнинг аҳамияти ва мазмуни тобора ўсиб бормоқда. Бренд ҳар бир фирманинг стратегик манбаидир. Брендга эга бўлиш ва уни қандай сақлашни, яхши бошқаришни билиш, бозорда муваффақиятга

эришишнинг калитига, рақобатда устунлик манбаига айланган. Брендни яратиш ёки мавжуд брендни кучайтиришга қаратилган ҳаракатлар айниқса, рақобат билан ажралиб турадиган, маҳсулот контрабандаси ва савдо маркаларининг рухсатсиз намуналари билан боғлиқ таҳдидларда мавжуд бўлган товарлар жумладан, тикув-трикотаж саноати учун ўта муҳимдир.

Менежментнинг асосий вазифаси инсон фаолиятини бошқаришга юқори урғу берилганлиги сабабли брендлаш жараёнини корхона ва истеъмолчи нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Менежмент нуқтаи назаридан брендни тушунишда корхонанинг стратегик даражаси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Бренд бу шунчаки маҳсулотга «ижодий» қўшимча эмас, балки қайсидир маънода «бизнеснинг ўзига хос усули», унинг мазмунини бойитувчи фалсафа сифатида қараш ўринлидир. Шу маънода бренд корхонанинг мақсади ва вазифалари билан боғлиқ бўлиб, қандайдир маънода корхонанинг ДНКсини англатади.

Бренд корхонанинг муҳим активи сифатида узоқ муддатли истиқболда ўзи ишлаб чиқарадиган қийматни ошириш билан боғлиқ муайян ҳаракатларни ўз ичига олар экан, албатта ушбу жараёнлар доимо мақсадли бошқарилишни талаб этади.

Брендни бошқариш бўйича адабиётларда ушбу жараённи англатадиган турли хил атамаларни учратиш мумкин ва энг кенг қўлланиладиганлари қуйидагилар: «брендинг», «бренд менежменти», «брендни бошқариш» кабилардир. Кўпинча улар бир-бирининг ўрнига ишлатилади, аммо уларни бир биридан фарқловчи хусусиятларга эътибор қаратиш талаб этилади. Келтириб ўтилган атамалар маъно жиҳатидан бир-бирига яқин бўлсада, мазмунан катта фарқ қилади. Умуман олганда, брендни бошқариш - бу ҳар бир бренд учун ягона моддий ва номоддий хусусиятлар тизимини яратиш, уни сақлаш ва ривожлантириш жараёнларининг илмий асосидир. Истеъмолчилар ва бошқа манфаатдор томонларга ноёб ва мақсадли қийматни яратиш ва етказиш орқали корхона учун қиймат яратадиган ва унинг стратегик мақсадларига ва рақобатбардошлигига эришишини таъминловчи фаолиятдир. Бренднинг жараёни эса – бу бошқарув фаолиятининг мажмуи бўлиб, корхонани брендлаш жараёнидаги операция ва процедураларнинг ўзаро, уйғун мос равишда таъминловчи усул ва услублардан иборатлиги илмий асосланган.

Тикув-трикотаж корхоналарининг бозорларда таклиф қиланаётган ҳар қандай инновацион маҳсулотлари учун истеъмолчиларни жалб қилиш ва уларни сақлаб қолиш учун курашишда рақобат шароитида катта қийинчиликларга дуч келади. Бренднинг менежментнинг устувор йўналишига айланганлиги учун муваффақиятли брендларнинг рақобатда устунлигини сақлаш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар тикув-трикотаж корхоналарида муваффақиятли брендларини яратиш, бу борада бошқарув фаолияти ва стратегик дастурларини амалга оширишни, шунингдек унинг қийматини ошириш учун бренд менежментини ўз ичига оладиган стратегик бренд менежментини самарали йўлга қўйишни талаб қилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бренд менежментини самарали амалга ошириш корхоналарга қуйидаги рақобатдош устунликларни яратади:

-янги рақобатчиларни тармоқ бозорига киришига табиий тўсиқлар яратади;

-бозорда янги маҳсулотларни сотишда унинг эгаси бўлган корхоналарга кўмаклашади;

-бозордаги инновацияларни фаол равишда ўрганиш ва унга мослашувчанлик имкониятини яратади;

-мижозларнинг содиқлиги такрорий харидлар сонини кўпайтиради, натижада сотувлар ҳажми ошади;

-товарнинг ҳаётийлик йўлини узайтиради, реклама харажатларини тежайди, бозордаги нарх воситасидаги рақобат таҳдидларидан корхонани ҳимоя қилади;

-мулкдорларга юқори даромадлилик даражасини таъминлайди;

-яхшироқ ва арзонроқ ресурсларни жалб қилишга ёрдам беради (кўпчилик ходимлар ушбу корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар брендига эътибор беришади);

-франчайзинг, агар компанияда ушбу номоддий актив мавжуд бўлса, у франчайзингни сотиш орқали қўшимча даромад олиши мумкин;

-иқтисодий глобаллашув шароитида компаниянинг халқаро рақобатдошлигини кучайтиради.

Тикув-трикотаж саноати корхоналарида бренд менежменти тизими олдида бозор шароитидаги ўзгаришлар динамикасини кузатиш ва ушбу ўзгаришларга мувофиқ брендни бошқариш вазифасини юклайди. Тикув-трикотаж корхоналарининг брендини бошқаришда уч йўналишдаги моделлардан фойдаланиш эса корхоналарнинг рақобатда устунлигини таъминлашга имконият яратади. Брендни режалаштиришда бир-бирига боғланган учта моделдан фойдаланади:


брендни ривожланиш модели рақобатда устунликларни максимал даражада ошириш учун интеграциялашган маркетингга қандай фойдаланиш кераклигини тавсифлайди;

бренднинг резонанс модели мижозлар билан фаол ва содиқ муносабатларни қандай яратишга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олади;

бренднинг қиймат яратиш модели бренд самарадорлигини оширишга қаратилган маркетинг харажатлари ва инвестицияларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда тикув-трикотаж саноати корхоналари бренд яратишнинг дастлабки босқичи бўлганлиги сабабли, корхоналар рақобатбардошлигини брендингга асосланган бошқарув модели 1-расмга кўра тавсия этилади.

Тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини брендинг методологияси асосида бошқариш бозордаги ҳаракат мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тавсия этилади. Ўзбекистонда тикув-трикотаж корхоналарининг асосий мақсади ички бозорда брендлар нуфузини ошириш ва халқаро брендларни сиқиб чиқаришга йўналтиришдир.



1-расм. Тикув-трикотаж корхоналари брендинг фаолиятини бошқариш модели<sup>6</sup>

<sup>6</sup> Муалиф ишланмаси

Ушбу мақсадларга эришининг асосий йўналиши ички ва ташқи бозорларда самарали ҳаракатини таъминловчи стратегияларни шакллантиришдир. Бироқ, бошланғич босқичда асосий эътибор ички бозорда миллий брендлар нуфузини ошириш корхоналар брендинг фаолиятининг асосий мақсадлар сифатида белгиланиши лозим.

Таклиф этилган корхоналар рақобатбардошлигини брендинга асосланган бошқарув моделида стратегик менежментнинг лойиҳалаш, ташкил этиш, илгари суриш ва назорат функцияларига бренд яратиш, идентификациялаш, сегментлаш, позициялаш, истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлар ва брендлар архитектурасини яратиш дастакларини киритишни тақозо этади. Корхоналар рақобатбардошлигини бошқаришда брендинг фаолиятини лойиҳалашдан ривожланиш босқичигача бўлган функционал вазифаларни мутаносиб амалга ошириш орқали корхона бренди номоддий актив сифатида шаклланади. Брендинг жараёнини ташкил этишда менежмент ва маркетинг фаолиятини мувофиқлаштириш рақобатбардошликни таъминлаш имкониятларини оширади. Натижада, истеъмолчилар реакциясига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизими шаклланади ва тикув-трикотаж корхоналарининг рақобатда устунликни таъминловчи асосий воситага айланади.

Диссертациянинг **«Тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда брендинг стратегиясидан фойдаланиш жараёнлари ҳолати»** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда тикув-трикотаж саноатининг ривожланиши ва маҳаллий брендларни шаклланиши таҳлил қилинган. Тикув-трикотаж маҳсулотлари брендларига мижозларнинг содиқлигини оширишни таъминловчи омиллар тизимлаштирилган. Маҳаллий тикув-трикотаж корхоналарининг бренд бўйича рақобат позициясини диагностика қилиш бўйича стратегик таҳлил амалга оширилган.

Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати иқтисодиётнинг реал секторида юқори улушга эга бўлган ва ишлаб чиқариш занжирини тўлиқ қамраб олган ягона саноат соҳаси ҳисобланади ҳамда ушбу соҳада амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида тўқимачилик, тикув-трикотаж саноатини ривожланишида кескин ўзгаришлар рўй бериб, тармоқ стратегик жиҳатдан муҳим бўлган соҳага айланган.

Республикада тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатининг мустақилликдан кейинги ривожланишини 3 босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич хом ашёга ихтисослашган маҳсулот ишлаб чиқариш бўлса, иккинчи босқич корхоналарни модернизациялаш ва диверсификациялаш йўналиши бўлиб, асосий эътибор халқаро бозорга тайёр маҳсулотлар билан кириб бориш мақсадларида амалга оширилган стратегик йўналишларга қаратилган. Учинчи босқичда тўқимачилик саноатини ривожланишининг жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирини ўзида мужассамлаштирган, хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни самарали интеграциясига асосланган стратегик йўналиш кластер лойиҳалари амалга оширилган. Муаллиф фикрича, соҳани истиқболли

инновацион ривожланиш босқичи брендинг стратегиялари асосида глобал рақобат устунлигини таъминлашдир.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан кўплаб янги дизайндаги кўшимча қиймат хосил қилувчи аёллар ва эркеклар учун қишки-кузги ва баҳор-ёзги тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб кўплаб брендлар яратилган, хусусан: Ideal, Imir, Samo, D-maretti, Ideal, Buка, Imron, Uztech, YSK ва бошқа кўплаб миллий брендлар дунё бозорига чиққан.

Ўзбекистон шароитида маҳаллий бренд яратишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш талаб этилади. Чунки, маҳаллий брендларни шаклланишини ўлчаш ва баҳолаш бўйича нафақат мамлакат олимлари, балки жаҳон олимлари томонидан ҳам бир тўхтамга келинмаган. Фикримизча, бренд яратишнинг асосий йўналиши корхона активларини кўпайтиришга эмас, балки доимий мижозлар сонини оширишга инвестицияларни йўналтиришга аҳамият қаратишдир.

Истеъмолчилар билан муносабатлар ўрнатиш ва маҳаллий тикув-трикотаж корхоналари томонидан амалга оширилаётган бренд яратиш амалиёти анъанавий кўринишга эга ҳисобланиб, ривожланаётган брендлар асосан дизайнерлик йўналишларига хосдир. Бренд менежментининг асосий мақсади мижозлар содиқлигини ошириш ва уни сақлаб қолишдир. Брендга содиқлик бевосита истеъмолчининг қониққанлиги билан боғлиқдир. Брендни афзал билган истеъмолчилар (брендга ижобий муносабатда бўлган истеъмолчилар) содиқ истеъмолчилар ҳисобланади.

Брендга истеъмолчилар содиқлигини ўрнатиш стратегияларини ишлаб чиқишдан олдин содиқликни шакллантирувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тикув-трикотаж маҳсулотлари брендига истеъмолчиларнинг содиқлик омилларини таснифлаш мақсадида бу борада олиб борилган илмий тадқиқотларнинг охириги 5 йиллик (2016-2020 йиллар) натижалари йиллар бўйича CSF таҳлилни амалга ошириш мумкин. Бу борада «google scholar» қидирув тизими топиш мумкин бўлган илмий мақолаларни кўриб чиқилган. Қидирув тизими орқали муҳимлиги бўйича «Brand Loyalty» калит сўзи орқали жами топилган илмий ишлар сони 50700 тани, «Brand loyalty management» калит сўзи орқали амалга оширилган сўров натижасида жами 33500 та манба, «Factor brand loyalty management» калит сўзи орқали амалга оширилган сўров натижасида жами 18400 та манба аниқланди<sup>7</sup>. Топилган манбалардан CSF таҳлил учун жами 37 та манба ажратилди ва бу жами танланманинг 0.4 фоизини ташкил этган.

Хорижий олимларнинг тадқиқотларидан маълум бўлмоқдаки, брендга содиқлик бўйича кўриб ўтилган жами 37 та тадқиқотларда, 28 та брендга содиқликни шакллантирувчи омиллар тадқиқ қилинган. Кўриб ўтилган тадқиқот ишларида энг асосий омиллар сифатида бренддан хабардорлик, брендга ишонч, имиж ва истеъмолчи томонидан қабул қилинган сифат асосий омиллар сифатида акс этган.

<sup>7</sup>[https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as\\_sdt=0%2C5&as\\_ylo=2016&as\\_yhi=2020&q=factor+brand+loyalty+management&btnG=](https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&as_ylo=2016&as_yhi=2020&q=factor+brand+loyalty+management&btnG=)



Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда брендинг учун стратегик мақсадларни белгилаш мақсадида брендлар рақобатбардошлигини акс эттирувчи истеъмолчиларнинг танлов хусусиятларига эътибор қаратилиши лозим. Тикув-трикотаж маҳсулотлари бўйича истеъмолчилар томонидан маҳаллий ва хорижий брендларни қабул қилиш даражаларини аниқлаш бўйича рейтинг баҳолаш мезонлари брендга содиқлик омиллари асосида баҳолаш тавсия этилади.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари бўйича маҳаллий ва хорижий брендларни истеъмолчилар томонидан қабул қилиш даражаларини аниқлаш бўйича <https://docs.google.com/forms/> платформасида маркетинг тадқиқотлари олиб борилди. Анкета сўровномалари асосида маҳаллий ва хорижий брендларни истеъмолчилар томонидан афзал билиш даражалари қуйидаги хусусиятлар бўйича баҳоланди:

- истеъмолчиларнинг кийим брендларига ишончи, сифат даражасидан қониқиши, нархи, ассортиментидан қониқиш даражаси, дизайнидан қониқиши, мода хусусиятларидан қониқиши;

- хорижий брендлар бўйича истеъмолчилар фикри (намунада 10 та бренд)

- маҳаллий брендлар бўйича истеъмолчилар фикри (намунада 10 та бренд).

Респондентлар сегменти 4 та йўналиш бўйича ажратилди: ёши, жинси, яшаш жойи ва даромадлилик даражаси.

Маҳаллий ва хорижий брендларнинг мамлакатимиз истеъмол бозоридаги рақобат позициялари 4 та асосий йўналиш бўйича таққослаш имконияти мавжуд, улар: нарх, сифат, ассортимент, дизайн ва мода хусусиятлари. Истеъмолчиларнинг брендларни қабул қилиш даражасини аниқлаш мақсадида «SPSS statistics» пакет дастуридан фойдаланган ҳолда маркетинг аналитикаси ўтказилди.

Тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг маҳаллий брендлар бўйича 42 фоизи норози ва атиги 5 фоизи уларнинг талабларига мос эканлиги аниқланди. Хорижий брендларга эса, респондентларнинг қарийб 42 фоизи ишониши аниқланди.

#### 1-жадвал

#### Истеъмолчиларнинг маҳаллий ва хорижий брендларни қабул қилиш даражаси<sup>8</sup>

| Мезонлар                               | Ўлчови                | Билмайман | Тўлиқ норози | Норози | Ишонаман | Тўлиқ ишонаман |
|--|-----------------------|-----------|--------------|--------|----------|----------------|
| Маҳаллий брендлар бўйича умумий ўртача | сони, бирлик          | 63        | 92           | 229    | 129      | 28             |
|  | жамига нисбатан улуши | 12%       | 17%          | 42%    | 24%      | 5%             |
| Хорижий брендлар бўйича умумий ўртача  | сони, бирлик          | 39        | 32           | 129    | 229      | 112            |
|  | жамига нисбатан улуши | 7%        | 6%           | 24%    | 42%      | 21%            |

<sup>8</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан шакллантирилган

Маҳаллий кийим бренд кийимларнинг нархи ва ассортименти ҳамда дизайндан анкетада иштирок этган 50 фоиз респондентларнинг норозилиги аниқланган. Ушбу омиллар маҳаллий брендларнинг маҳаллий бозорда эгаллаб турган позициясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ва бу борада корхоналар ўзларининг фаолият йўналишларида брендинг фаолиятини самарали ташкил этишга эътибор қаратиши лозимлигини келтириб чиқаради.

Маҳаллий хорижий брендлар бўйича 6 та умумий хусусиятлар (брендга ишонч, нарх, сифат, ассортимент, дизайн ва мода) бўйича истеъмолчиларнинг умумий жавобларида маҳаллий брендларни билмаслик даражаси хорижий брендларга нисбатан юқоридир. Маҳаллий брендлардан тўлиқ норози истеъмолчилар салмоғи 17 фоизни ташкил этган бўлса, хорижий брендлардан норозилар салмоғи 5,9 фоизни ташкил этди. Истеъмолчиларнинг қарийб 42,5 фоизи маҳаллий брендлардан норозилигини билдирган бўлса, бу кўрсаткич хорижий брендлар бўйича ҳисобланганда 23,8 фоизни ташкил этган. Истеъмолчиларнинг 60 фоизидан ортиғи хорижий брендларга тўлиқ ишонса, маҳаллий брендларга ишонувчиларнинг салмоғи 30 фоиздан ҳам камни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

### Бренд бўйича барча хусусиятларга кўра истеъмолчилар жавоби<sup>9</sup>

| Хусусиятлар     | Маҳаллий брендлар бўйича |        | Хорижий брендлар бўйича |        |
|-----------------|--------------------------|--------|-------------------------|--------|
|                 | Шкала йиғиндиси          | Фоизи  | Шкала йиғиндиси         | Фоизи  |
| Билмайман       | 374                      | 11,5%  | 232                     | 7,2%   |
| Тўлиқ норозиман | 552                      | 17,0%  | 192                     | 5,9%   |
| Норозиман       | 1375                     | 42,5%  | 771                     | 23,8%  |
| Ишонаман        | 772                      | 23,8%  | 1374                    | 42,4%  |
| Тўлиқ ишонаман  | 166                      | 5,1%   | 671                     | 20,7%  |
| Жами белгилар   | 3239                     | 100,0% | 3240                    | 100,0% |

Анкетада иштирок этган респондентларнинг Ўзбекистонда энг таниқли брендлар бўлган Ideal, Sanan, Imir, YSK, Buka, Uztex, Imron, Fratelli Casa, D.Maretti, Samo ва бошқаларни билиши тан олиши ҳам хорижий брендларга нисбатан сезиларли даражада фарқлари мавжуд. Жумладан, респондентлар томонидан маҳаллий брендларни билмайман деган белгилар сони 1912 тани ташкил этиб, умумий белгиларга нисбатан 32,2 фоизни ташкил этган бўлса, хорижий брендларда бу кўрсаткич мос равишда 1523 тани ёки 25,6 фоизни ташкил этган. Ўз навбатида, респондентларнинг атиги 10,5 фоизи маҳаллий брендларни тан олади ва бу кўрсаткич бўйича умумий жавоблар салмоғида хорижий брендларники 19,4 фоиздир.

Товар номларининг брендга айланиши учун бир қатор шартлар мавжуд бўлиб, бундай шартлардан бири истеъмолчиларнинг 70 фоизи шу номни билиши ва уни таний олиши ҳисобланади. Тадқиқот натижаларига кўра, респондентлар томонидан 13 та бренд номларини умуман билмасликлари аниқланган ва улар қуйидаги брендлардир: Fratelli Casa, Uniqlo, Cartier, YSK, Hermes, Buka, Sanan, H&M, Louis Vuitton, Imron.

<sup>9</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан шакллантирилган

Брендларни таниқлилик даражаси бўйича истеъмолчилар жавоби<sup>10</sup>

| Хусусиятлар   | Маҳаллий брендлар (Ideal, Sanan, Imir, YSK, Buka, Uztex, Imron, Fratelli Casa, D.Maretti, Samo ва бошқалар) |        | Хорижий брендлар (Zara, Adidas, H&M, Nike, Cartier, Louis Vuitton, Uniqlo, Hermes, Gucci, Chanel ва бошқалар) |        |
|---------------|---|--------|---|--------|
|               | N   | Фоизи  | N   | Фоизи  |
| Билмайман     | 1912  | 32,2%  | 1523  | 25,6%  |
| Ёмон          | 251   | 4,2%   | 189   | 3,2%   |
| Ўртача        | 1519  | 25,6%  | 1254  | 21,1%  |
| Яхши          | 1633  | 27,5%  | 1824  | 30,7%  |
| Энг зўр       | 625   | 10,5%  | 1150  | 19,4%  |
| Жами белгилар | 5940  | 100,0% | 5940  | 100,0% |

Ушбу брендлар умумий ўртача қийматлари ҳам паст. Умумий белгининг 75, 50 ва 25 фоизи ижобий натижалар сифатида қаралганда бундай белгилардан маълум бўлмоқдаки, хорижий брендлар (Gucci, Nike, Chanel, Adidas) билан тенг рақобатлашаётган маҳаллий брендлар сифатида Imir ва Ideal брендларини танлаш мумкин.

Юқоридаги таҳлилларга кўра, турли усуллардан фойдаланиш ва амалий билимларни қўллаш билан узвий боғлиқ бўлган бренд қийматини баҳолаш жараёнлари ва механизмларнинг ҳар томонлама назарий асосланиши энг мақсадга мувофиқ бўлган рақобатда устунлик стратегияларини яратишга имконият беради.

Диссертациянинг **«Тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган брендинг стратегиясини ишлаб чиқиш»** деб номланувчи учинчи бобида маҳаллий тикув-трикотаж корхоналарида бренд архитектурасини шакллантириш бўйича амалий тавсиялар берилган. Тикув-трикотаж корхоналарининг бренд жозибадорлигини баҳолашнинг миллий рейтинг тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган. Маҳаллий тикув-трикотаж саноати корхоналарининг бренд портфель стратегияларидан фойдаланиш асосида рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари тавсия этилган.

Глобаллашув жараёнлари тикув-трикотажлар бозорида мисли кўрилмаган ўзгаришларни рўёбга чиқариб, кийим бренди тушунчаси минтақавий хусусиятларни йўқотиб, глобал хусусиятларини ўзида акс эттирмоқда ва кўплаб иқтисодий, технологик, ижтимоий, маданий ва сиёсий фаолиятни интеграциялашуви натижасида глобал истеъмол бозори шаклланмоқда. Глобал истеъмол бозорлари ривожланаётган давлатлар ва маълум даражада сиёсий либераллаштириш натижасида пайдо бўлган, Хитой ва Ҳиндистон каби мамлакатларда энг тез ривожланаётган бозор бўлиб, кўплаб ғарбий брендларни ривожланишига шароит яратиб бераётган воситага айланган.

Глобал коммуникацион технологияларнинг ривожланиши кийимлар харидорларига хорижий етказиб берувчилар, истеъмолчилар маълумотиغا

<sup>10</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан шакллантирилган

кириш ва компанияларга бутун дунё бўйлаб истеъмолчилар билан алоқа қилиш имкониятини яратиб, глобал миқёсда коммуникация қилиш имкониятини яратди. Ушбу ҳолатлар барча мамлакатларда кийимларнинг маҳаллий брендлари билан кучли рақобатга киришувчи хорижий брендлар салмоғини янада оширишга имконият яратган.

Жаҳон кийимлар бозорида энг юқори рейтингга эга бўлган брендлар бўйича ҳисоботларни «Brand Finance Global Forum» томонидан олиб борилади.<sup>11</sup> Ушбу платформа «Marketing Metric Audit Protocol (ММАР)» тизими орқали брендлар қийматини баҳолаб боради. Brand Finance халқаро форуми томонидан жаҳон кийим бозоридаги рейтингнинг ТОП-10 таликга кирган компаниялар рўйхати эълон қилиб борилади.

2019-2020 йиллардаги натижалар бўйича кийим бозорида энг юқори рейтингни «Nike» жами 34 млрд. АҚШ доллари бренд қиймати билан рақобатдаги позициясини эгаллаб турибди. 2019 йилга нисбатан 2020 йилда Gucci, Louis Vuitton, Cartier, H&M ва Chanel ўзининг юқори поғонага кўтарган бўлса, Zara, Uniqlo брендлари пасайган.

Йирик глобал брендлар ҳисобланган Nike, Gucci, Adidas, Louis Vuitton, Cartier Uniqlo каби брендларнинг менежмент тизимини йўлга қўйиш аввало, бренд куриш ва уни портфель стратегиялардан фойдаланиш амалиёти Ўзбекистон бозорида шаклланаётган маҳаллий корхоналар учун энг мақсадга мувофиқ бошқарув усули сифатида қаралди. Шунингдек, бренд капиталини баҳолаш ва маҳаллий рейтинг тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий муаммоларини ҳал этиш лозим деган хулосага келинди. Шунга асосланиб, бренд портфель стратегияларидан фойдаланиш маҳаллий тикув-трикотаж корхоналарининг рақобатда устунлигини таъминлашнинг асосий стратегияси сифатида қаралди.

